

## АДАБИЁТ ВА МАДАНИЯТ

УДК 82-14: 82-271:641.87 Навоий

### НАВОЙ ЛИРИКАСИДА МАЙ ТИМСОЛИ

Одилjon Раҳматуллоевич АВАЗНАЗАРОВ

Ўқитувчи

Адабиётшунослик кафедраси

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

[odilbek.avaznazarov@mail.ru](mailto:odilbek.avaznazarov@mail.ru)



#### Аннотация

Мумтоз адабиётимиз намуналаридан ўрин эгаллаган айрим образларда халқимиз, баъзида эса дунё халқлари бадиий тафаккури тадрижини кузатиш мумкин. Мақолада ана шундай поэтик образлардан бири – майнинг дунё ва ўзбек адабиётшунослигидаги тадқиқ тарихи, унга ёндашув масалалари ёритилади. Ислом ҳамда тасаввуф таълимоти билан ўзаро муносабатлари кузатилади. Шунингдек, Шарқ адабиётида, жумладан, Алишер Навоий ижодидаги ушбу поэтик образнинг ўрни, талқинлари, ғоявий-бадиий хусусиятлари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** лирика; май; сокий; тимсол; тасаввуф; Ислом; ишқ; маърифат; руҳият; дунёқараш; талқин; ғоя; бадиият.

### ОБРАЗ ВИНА В ЛИРИКЕ НАВОИ

Одилjon Раҳматуллоевич АВАЗНАЗАРОВ

Преподаватель

Кафедра узбекской литературы

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

[odilbek.avaznazarov@mail.ru](mailto:odilbek.avaznazarov@mail.ru)

#### Аннотация

В некоторых образах классической литературы можно проследить особенности народного художественного мышления. В статье говорится о таком поэтическом образе, о состоянии исследования образа вина в узбекской и мировой литературе. В статье прослеживается отношение Ислама к этому образу, а также его место в восточной литературе, а именно в творчестве А.Навои. Автор статьи анализирует структуру и замысел поэтического образа.

**Ключевые слова:** лирика; вино; виночерпий; символ; суфизм; ислам; любовь; просвещение; дух; мировоззрение; интерпретация; идея; художественная литература.

## IMAGE OF WINE IN LYRICS OF NAVOI

Odiljon Rakhmatulloevich AVAZNAZAROV

Teacher

Department of literature

Karshi State University

Karshi, Uzbekistan

[odilbek.avaznazarov@mail.ru](mailto:odilbek.avaznazarov@mail.ru)

### Abstract

We can observe evolution of aretectve thought of our nation and sometimes nations of world in some images, which took place from our samples of classical literature. One of the poetic embodiment – wine and its analiystic history and issues of approach to it are clarifved. There can be seen attitudes between Islam and education of Sufism. Moreover, in Oriental literature further more the role, dissection, ideological and artistic feature of this poetic image in Alisher Navai's work are analysed.

**Keywords:** lyricism; wine; cupbearer; symbol; Sufism; Islam; love; education; spirit; worldview; interpretation; idea; fiction.

Буюк ижодкорлар асарларида нафақат ўз халқи маданияти, маънавияти, илмий, диний, дунёвий дунёқараши, балки умуминсоний қадриятлар, умумбашарий ғоялар ҳам ўз тажассумини топади. Мумтоз асарлардан ўрин эгаллаган баъзи образларда бутун бир халқ, баъзида эса дунё халқлари бадиий тафаккури тадрижини кузатиш мумкин. Шу сабаб бундай образларнинг мукаммал тадқиқи бадиий адабиётимиздаги жуда кўп масалаларнинг ечими бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шарқ адабиётидаги ана шундай образлардан бири майдир. Айтиш мумкинки, соқий, жом, майхона, харобот аҳли, муғ, муғбача каби қўплаб тимсолларни ўз атрофида бирлаштирувчи бу қадимий образ араб, форс-тожик ҳамда ўзбек мумтоз адабиётининг аксарият вакиллари ижодида учрайди. Хусусан, форс шоирларидан Рудакий (Х аср), Умар Ҳайём (XI–XII асрлар), Ҳофиз (XIII–XIV асрлар), араб суфий шоири Ибн ал-Фориз (XII–XIII асрлар) шеъриятида май образи турли мақсадларда гўзал ифода топади. Улар ижодида ҳатто май таъриф этилган маҳсус рубоий, ғазал ва қасидалар кўп учрайди. Ўзбек адабиётида майнинг, жумладан, Аҳмад Яссавий шеъриятида тасаввуфий оҳангларда намоён бўлиши, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Носируддин Рабғузий асарларида у билан боғлиқ турли тасвиirlарнинг мавжудлиги, Лутфий, Атойи, Саккокий шеъриятида ҳам учрашини кузатиш мумкин. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов май ҳақида сўз юритиб, бу образнинг форс-тожик адабиётида қадимдан кенг қўлланилганлиги, ўзбек мумтоз адабиётида эса уни

ҳазрат Навоий доимий, муҳим, анъанавий мавзуга айлантирганлиги ҳамда турли шаклларда куйлаганлигини таъкидлайди (1).

Шарқ адабиётининг турли йўналишларидан мустаҳкам ўрин эгаллаганлиги боис жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигига май образи ҳақида кўплаб фикрлар айтилган, тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар орасида Жавод Нурбахшнинг “Тасаввуфий рамзлар қомуси” (“Энциклопедия суфийской символики”) (13), К.Т.Осипованинг “VI – IX асрлар араб мумтоз шеъриятида май мавзусидаги шеърлар (хамрият)” номли тадқиқоти(7), академик И.Ю.Крачковскийнинг “Араб шоири ал-Ахтал ижодида май мавзуси” мақоласи (8), Б. Шидфарнинг “Абу Нувод” (9), И.Ҳавийнинг “Хамрият жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти” монографиялари адабиётшуносликда алоҳида эътироф этилган (10). Ушбу олимлар тадқиқотларида май турли ракурсларда текшираилган, жумладан, унинг бадиий ёки табиий жиҳатлари талқин ва таҳлил этилгандир.

Ўзбек адабиётшунослигига ҳам Мақсад Шайхзода, Азиз Қаюмов, Алибек Рустамий, Абдуқодир Ҳайитметов, Ёқубжон Исҳоқов, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ҳаққул каби олимларнинг тадқиқотларида мазкур образ ҳақидаги илмий мулоҳазалар мавжуд.

Май образи, юқорида таъкидланганидек, Алишер Навоий лирикасида жуда кенг қўлланилганлиги ҳамда шоир ижодидан бошлаб шеъриятимиздаги асосий тимсоллардан бирига айланганлиги боис адабиётшуносларимиз аксар ҳолларда уни Навоий лирикаси доирасида текширадилар. Лекин бу образнинг Навоий ижодидаги ўрни, қўлланиш мақсади, маъно-моҳияти, талқинлари ҳақида гапирилганда олимлар турли фикрларни билдирадилар. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов: “Навоий ўз ғазалларида бу мавзууни (май мавзусини – О.А.) куйлашда сўфий адабиётининг терминларидан фойдаланди. Навоий, аслида, май мавзуини улуғлар экан, аввало, у реал ҳаёт ва эркесварликни, шодлик ва ҳаёт лаззатларини улуғлар эди. Май мавзuidаги Навоий ғазаллари ва байтларига шундай ёндашганимиздагина уларга тўғри баҳо беришимиз мумкин” (1, 151), – дейди. Яна бир ўринда шу қарашни давом эттириб: “Навоий лирикасидаги майни биз кенг мазмунда ҳаёт шодлиги ва лаззати мазмунида тушуниш тарафдоримиз” (1, 230), – деб ўз фикрларини қатъийлаштиради ва шоирнинг май тимсоли мавжуд байту ғазалларини текширишда доимо шу позициядан боради. Олим Навоийнинг:

*Насиҳат аҳли манга дерки, майни тарк эт, вах!*

Илик олиб келур, оғиз ичар – манга не гунаҳ, – байтини ва бу байт қатнашган ғазални шундай талқин қиласи: “Насиҳат аҳли (шайх ва зоҳидлар) йўлдан озганларни (дин йўлидан четга чиққанларни) йўлга солувчилардир. Ислом таълимоти бўйича, май ичиш – гуноҳ. Бу лирик қаҳрамоннинг май ичиш нияти

йўқ. Бу – шоирнинг зуҳд аҳлига кесатиқли, ҳажвий-бадиий жавоби, холос. Демак, май ақидапарастликка қарши бадиий восита ҳамдир. ...Навоийнинг лирик қаҳрамони шу тарзда, май образи воситасида ўзини ақидапарастлик занжирларидан қутқаради, эркесварликни шу йўсинда куйлади” (1,154–155).

Навоийшунос олимлар Иброҳим Ҳаққул ва Эргаш Очилов ўзларининг Навоий газал, қитъа, рубоийлари таҳлилига бағишлиланган “Ишқ ва ҳайрат олами” тўпламидаги мақолаларининг барчасида майни “завқ ва жазба”, “инсонни Оллоҳга йўналтирувчи ва Унинг розилигига етказувчи”, “маърифат нури ва рухоният бодаси”, “илоҳий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи”, “маърифат”, “майдан мақсад – Оллоҳнинг ягоналигини ҳис қилиш маърифатидир” каби тасаввуфий маъноларда талқин этадилар. Жумладан, Иброҳим Ҳаққул Навоийнинг:

*Май чу бердинг зулф ила банд эт мени, эй муғбача*

Ким, хуши эрмас муз била ичмак қадаҳ зуннорсиз байтида қуидаги маънони кўзда тутганлигини таъкидлайди: “Эй муриди солик, менинг дилимда ишқ завқини ҳосил қилдинг, энди ғайбий ҳақиқатга асир қил мени. Пири комил ҳузурига боғлагилки, унга таслим бўлмасдан дийдор талаб қилмак ҳам хуш эмасдур” (6). Эргаш Очилов эса Шайх Санъон қиссаси талмеҳга олинган бир байт таҳлилида қиссадаги тарсо қизнинг шартларини мажозий маънода шундай шарҳлайди: “Май ичиш – кўнгилга илоҳий ишқнинг тушиши, зуннор – ҳақиқий маҳбуб тоати ва хизматига бел боғлаш, Мусҳафни куйдириш – зоҳирий тоат-ибодат, расм-русум, одат-маросимлар ўрнини Ҳақ муҳаббати эгаллаши, сукр – мастлик ҳолати бўлиб, илоҳий май бўлмиш Оллоҳ муҳаббатидан масту мустағрақ кишининг эс-хушини йўқотишидир” (6, 239).

Бизнингча, май образига юқоридагидек тасаввуфий тимсол сифатида ёндашув Навоий назмининг аксарият намуналарида кўзда тутилган асл моҳиятни англаб этиш учун очқич вазифасини ўтай олади. Масалан, Навоий ёзади:

*Шайх кавсар шарбати, мен талҳ май мадҳин дедим,*

*Очиғи келса не тонг, невчунки оччиқ келди ҳақ* (2).

Кавсар – жаннатдаги сероб, суви таъмли чашма. Байтнинг зоҳирий мазмунига кўра, шайх – дин пешвоси мана шу булоқни, уни назарда тутиш орқали бутун бир Жаннатни мақтаса, Навоий аччиқ майни мадҳ этади. Ва “ҳақиқат аччиқ бўлади” дея ирсоли масал санъати орқали шайх билан ўртасида бу масалада вужудга келган мубоҳасада ўз позициясининг тўғри эканлигини янада мустаҳкамлайди.

Байтни факат шу мазмунда тушунган шеърхонда шундай ҳақли савол пайдо бўлиши табиий: “Муқаддас динимизда ҳаром қилинган нарса – аччиқ май ҳеч замонда жаннат булоғидан устун бўла оладими?” Бу – ҳақли савол, албатта.

Чунки “Куръони карим”нинг “Моида” сураси 90-оятида: “Эй, иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз”, 91-оятида эса: “Албатта, шайтон хамр ва қимор туфайли ораларингизга адоват ва ёмон кўришликни солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикридан ва намоздан тўсишни хоҳлайдир”, – дейилади. Ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Муншаот”, “Ҳайрат ул-аброр” каби асарларида чоғир – майни қаттиқ қоралайди. Ҳатто “Муншаот”да: “Манъ этиладиган ишлардан ҳеч бири чоғир таркича бўлмас”, – дейди ҳамда адолатнинг қадри, май ичмасликнинг фойдаси тўғрисида сўз юритганда ушбу фикрларни келтиради: “...Ҳазрат рисолат (яъни Муҳаммад) саллаллоҳу алайҳи васаллам буюрубтурким, “Адлун saatun хайрун мин ибодатис – сақалайн” (“Бир соатлик адолат икки дунё – инсонлар ва жинлар дунёси ибодатидан яхшироқ”). Ва чоғирни “умм ул-хабоис” (“ёмонликлар онаси”) дебдурлар. Жамъи ёмонлиғ андин мутаваллид бўлурким (яъни туғиладиким), борча яхшилиқ ва ёмонлик бу икки нима зимнида мундариждур (ичига киради)” (5).

Бундан англашиладики, улуғ мутафаккир чоғирхўрликни Оллоҳ таоло манъ этганини, барча ёмонликлар шу ичкилиқдан келиб чиқишини таъкидлаб турибди. Насиҳат тарзидаги ушбу фикрларни келтирган шоирнинг ўзи ичкилиқ тарафдори бўлиши мумкин эмас!

Гап шундаки, шоир байтларидаги май тақиқланган ичимлик чоғир эмас, балки бадиий адабиётдаги поэтик образдир. Бу ҳақда ҳазрат Навоий “Ҳазойин ул-маоний”нинг фотиҳаси (Алибек Рустамий таъбири) ҳисобланган биринчи ғазалида шундай дейди:

*Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур,*

*Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо (4).*

Мазмуни: дунё ишларидан воз кечиб, охират учун тарки дунё қилган зоҳид, сен ёмон кўриб танқид қилувчи, салбий маънода тасаввур қилувчи, жом ва майдан бошқа ҳам жому май мавжуддир. Кўриниб турибдики, ҳазрат Навоий куллиётидаги илк ғазалдаёқ китобхонга ўзининг риндана байтларига қайси жиҳатдан ёндашиб кераклигига ишора қиласи.

Демак, юқорида таҳлилга тортилган байтнинг моҳиятини шундай тушуниш мумкин: тақводор шайхлар жаннат умидида ибодат билан машғул ва ўй-хаёллари у билан банд бўлса, илоҳий ишқ ва маърифат майини мақтаётган ҳақиқий ошиқлар Тангрининг дийдорига муштоқдирлар.

Навоий илгари сураётган бу ғоянинг тасаввуфий асослари бор, албатта. Тасаввуф пешволари ҳаётига эътибор қаратсақ, аксар ҳолларда уларнинг дўзахдан қўрқканлиги ёки жаннат илинжида эмас, балки Оллоҳ васлига етиш мақсадида туну кун ибодатда бўлганликларига гувоҳ бўламиз. Хусусан, Шайх

Фаридуддин Аттор “Тазкират ул-авлиё”да нақл қилишларича, Биби Робия Адавия Аллоҳга шундай муножот қиларкан: “Илоҳи, мен сенга дўзахдан қўрқиб сифинсам, мени дўзахга сазовор қил! Агар жаннат умидида сифинсам, жаннатни менга ҳаром қил! Агар сенга сенинг ўзинг учун бандалик қилсан, дийдорингни менга насиб қил!” (12). Худди шу сингари ҳолатни “дунё ва диннинг султони, имон тоғининг ҳужжати” Иброҳим Адҳам қарашларида ҳам кузатиш мумкин:

“Наклдурки, бир куни Иброҳимдан сўрадиларким:

– Дунёда нима иш қилдинг?

Жавоб берди:

– Дунёни дунё аҳлига бердим, охиратни ҳам истаганларга қўйдим, ўзим эса Ҳақнинг зикрига машғул бўлдим ва Унинг дийдорини истадим” (12, 126).

Ўзбек навоийшунослиги тарихини ўрганаётганда шўро даврида адабиётшунослигида шоир лирикасини аксар ҳолларда дунёвий ғоялар билан боғлаб тушунтиришга мойилликни, истиқлолнинг дастлабки даврларидан эса улуғ мутафаккир ижодини қўпроқ диний-тасаввуфий ғоялар нуқтаи назардан талқин этилганлигини кузатиш мумкин. Аммо адабиётшунос Нажмиддин Комилов Навоий лирикаси моҳиятини тушунишнинг бошқа бир методини таклиф этади. Олим “Ғаройиб ус-сифар”дан олинган қуйидаги:

*Соқиё, талх ўлди айшим ҳажср бедоди била,*

*Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била байтини шундай таҳлил қиласи: “Май бу ерда оддий шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йиғма ифодаси – ғаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва суур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамзадалик, андуҳнинг ҳам ифодасидир” (3).*

Нажмиддин Комилов ўзининг “Тасаввуф” асарида шундай дейди: “Кўп шоирларда дунёвийлик билан илоҳийлик, яъни ирфон қўшилиб зуҳур этади. Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Камол Хўжандий, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ижодида дунё гўзаллиги илоҳий ҳусну жамолнинг давоми ва моддий ифодаси сифатида олиб қаралади. Шунинг учун улардан соғ диний ғояларни ёхуд соғ дунёвий ғояларни қидириш, асарларини бир-бирига зид қўйиш нотўғри. Бу шоирлар учун олам ва одам ягонадир, руҳ ва жисм, вужуд ва маъни биргадир. Улар куйлаган реаллик илоҳий сифатларнинг мазҳари ва жилоси. Илоҳий мазҳардан илоҳий манбага қараб борадиган руҳ улар учун энг гўзал руҳдир. Шу боис ҳам мазкур шоирларнинг асарларини сўфийлар ўз мақомида, оддий китобхонлар ўз мақомида англаганлар” (11).

Хулоса қилиб айтганда, дунё ва ўзбек адабиётшунослигида май ҳақидаги тадқиқотлар салмоқли тарихга эга. Ушбу илмий қарашларни кузатиш орқали бадиий адабиётдаги, хусусан, Навоий ижодидаги май поэтик образи таҳлилига қай йўсинда ёндашиш маъқул эканлигини аниқлашимиш мумкин. Бироқ шоир

ижодидаги май поэтик образига юкланган маъно-моҳиятни тўла англаб етиш учун унга чамбарчас боғлиқ бўлган соқий тимсолини ҳам чуқур тадқиқ этилиши кераклигини унутмаслик лозим.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. –150 б.
2. Алишер Навоий. Бадоев ул-васат. Тўла асарлар тўплами. III жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2012. – 326 б.
3. Алишер Навоий. Газаллар, шархлар. /Тўплаб нашрга тайёрловчилар: А.Шаропов, Б.Эшпўлатов/. – Тошкент: Камалак, 1991. –129 б.
4. Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сигар. Тўла асарлар тўплами, I жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2012. – 22 б.
5. Алишер Навоий. Муншаот. Тўла асарлар тўплами. IX жилд. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2012. – 566 б.
6. И. Ҳаққул, Э.Очилов. Ишқ ва ҳайрат олами. – Тошкент: “O'zbekiston”, 2016. 27 б.
7. Осипова К.Т. Винные стихи (хамрийат) в арабской классической поэзии VI – IX вв. (генезис и эволюция): Дисс. ...канд.филол.наук. – М., 2007. – 137 с.;
8. Крачковский И.Ю. Вино в поэзии аль Ахталя // Избранные сочинения. Том II. – М.: Наука, 1956. – С. 425–426.
9. Шидфар Б.Я. Абу Нуvas. – М.: Наука, 1978. – 232 б.
10. Ҳавий И. Хамрия жанри ва унинг араб адабиётидаги тараққиёти. – Байрут, 1975. – 473 б. (араб тилида).
11. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. – Тошкент: Movarounnahr – O'zbekiston, 2009. –147 б.
12. Фаридуддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2017. – 94 б.
13. <https://wayter.wordpress.com/>

### REFERENCES

1. Hayitmetov A. *Navoiy lirikasi* (Navoi lyrics), Tashkent: Uzbekiston, 2015, 150 p.
2. Navoiy A. *Badoe' ul-vasat. Tula asarlar tuplami* (Badoye' ul-vasat. Complete Collection of Works), vol. 3, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi NMIU, 2012, 326 p.
3. Navoiy A. *Gazallar, sharhlar* (Ghazals and Commentaries), Tashkent: Kamalak, 1991, 129 p.
4. Navoiy A. *Garoyib us-sigar. Tula asarlar tuplami* (Gharoyib us-sighar. Complete Collection of Works), vol.1, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi NMIU, 2012, 22 p.
5. Navoiy A. *Munshaot. Tula asarlar tuplami* (Munshaot. Complete Collection of Works), vol. 9, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi NMIU, 2012, 566 p.
6. Haqqul I., Ochilov Y. *Ishq va hayrat olami* (The world of love and admiration), Tashkent: Uzbekiston, 2016. 27 p.
7. Osipova K.T. *Vinnye stihi (hamriyyat) v arabskoy klassicheskoy poyezii VI-IX vv. (genezis i jevoljucija)* (Wine poems (khamriyyat) in Arabic classical poetry of VI-IX centuries (Genesis and evolution)), candidate's thesis, Moskow, 2007, 137 p.
8. Krachkovskij I.Ju. *Izbrannye sochinenija* (Selected works), vol.II, Moskow: Nauka, 1956, p. 425-426.
9. Shidfar B.Ja. Abu Nuvas, Moskow: Nauka, 1978, 232 p.

10. Haviy I. *Hamriya zhanri va uning arab adabiyotidagi taraqqiyoti* (The genre of khamriya and its development in Arabic literature), Bayrut, 1975, 473 p. (in the arab language)
11. Nazhmiddin Komilov. Tasavvuf (Tasavvuf (Sufism)), Tashkent: Movarounnahr – Uzbekiston, 2009, 147 p.
12. Fariduddin Attor. Tazkirat ul-avliyo, Tashkent: Gafur Gulom nomidagi NMIU, 2017, 94 p.
13. <https://wayter.wordpress.com/>